

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

• БАҲОСИ ЭРКИН НАРХДА



Абдул Ғани ЖУМА сурати

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК!

Ҳар гал шундай бўлади: йилнинг ушбу лаҳзаларида қалбимизни тотли бир туйғулар қамрайди. Йил бўйи толиққан асабларимиз бўшашиб, танамизга енгил бир руҳ киради. Дилимизни хушнудлик забт этади... Бизнинг ҳаётимиздан-да ўрин олиб улгурган Янги йил келаяпти.

Мана бугун ана шундай қутлуғ кун арафасида кўришиб турибмиз. 1993 йил — умримизнинг бир йили ортимизда қолаяпти. Бу йилда мамлакатимизда кўп улуг ишлар амалга ошди. Ҳар биримизнинг яна бир йиллик «умр китобимиз» ёзилди. Унинг варағида кўп эзгу-ишларимиз муҳрланди.

Азиз юртдошлар! Янги йилингииз муборак бўлсин! Қаторингииз доимо тўлиқ турсин. Дастурхонингиздан ҳеч қачон файзу барақа кўтарилмасин. Дунё бўйича «Оила йили» деб эълон қилинган 1994 йил Сизнинг хонадонингизга яна ҳам кўпроқ шоду хуррамлик, бахт келтирсин!



КЕЙИНГИ СОНЛАРДА:

Т. АЛИМАРДОНОВ:

ТАНИШ-БИЛИШЧИЛИК
ИЛЛАТМИ?

ДИЛБАР РАҲИМ ҚИЗИ:

СИЗ... УШАСИЗ

КҮНГИЛ-КҮНГИЛГА МАЛҲАМ

Янги йил келмоқда. Кўнгилларда ширин бир тилак ҳукмрон: Янги йил оқшоми билан ҳаётимизга бахт кириб келсин, барча орзу-истакларимиз рўбга чиқсин! Айни пайтда бугун кечаги бажарган ишларимизни бир қарра сарҳисоб ҳам қиляпмиз. Ҳаёт-ҳаётда. Унинг юмушлари ҳам ўзи қаби абадий.

Мамлакатимиздаги энг болажон ташкилот — Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармаси ҳам 1993 йил қилиб улгурган ишларини бир чамалаб кўриш, келгуси фаолиятини муҳокама этиш мақсадида ўз пленумини ўтказди. Йиғинда жамғарма, унинг вилоят бўлимлари, Тошкент шаҳар бўлими томонидан ўтказилган хайрия тadbирлари, маърифий-тарбиявий ишлар муҳокама этилди, ўзаро кенгашилди. Кейинги икки йилда фаолиятини анча жонлантирган Жиззах вилояти бўлими ўз тажрибасини йиғилганлар ҳукмига ҳавола этди.

Вилоятда хайрия дастурини жамоат ташкилотлари, ҳокимият тизимлари билан бевосита ҳамкорликда, уларнинг кўмагида амалга оширишга интиляпмиз,— деди

болалар жамғармаси Жиззах вилояти бўлими раиси И. Олимов.

Баҳамжихатликда олиб борилган ишнинг натижаси ҳам шунга яраша бўлмоқда. Вилоят бўлими ҳар йили бир неча оммавий хайрия концент-марафонлари уюштирмоқда. Етим, ногирон болаларга театр томошаларини ташкил этмоқда. Иқтидорли болаларни аниқлаш мақсадида мактаб ўқувчилари ўртасида олимпиадалар ўтказилиб, ғолибларга жамғарма вилоят бўлими стипендияси бериб берилмоқда. Агар бўлимнинг хайрия ишларини аниқ мисолларда кўрадиган бўлсак, йил мобайнида ногирон болаларга 46 та аравача хайрия этилди. 700 ночор оилга турли тарзда 4 миллион сўмликдан кўпроқ моддий ёрдам кўрсатилди. 37 бемор бола Москва шаҳрида даволаниб қайтди. 3 нафар бола Тупасида соғлиқларини яхшилашди. Жиззах вилояти бўлимининг шу сингари хайрия ишлари саногини яна давом эттириш мумкин. Лекин энг асосийси бу маскандан кўп кўнгиллар меҳр-муруват топмоқда. Бу ердаги яна бир ибратли

иш вилоятдаги етим болалар, ота ёки онасиз тарбияланаётган болалар, ночор кўп болали оилалар, кўп болали оилалар, ногиронлиги туфайли нафақа оладиган болалар, оталари хизмат бурчини ўтаётганда ҳалок бўлган болалар махсус рўйхатга олиниб, уларга доимо ғамхўрлик кўрсатиб келинаётганлигидир.

Анжуманда Болалар жамғармаси Жиззах вилояти бўлимининг тажрибаси маъқул топилди. Кейинги бир-икки йилда кўплаб жамғармалар ташкил этилгани, улар томонидан катта хайрли ишлар амалга оширилаётгани айтилди. Бундай шароитда Болалар жамғармасининг бош вазифаларидан бири болалар ҳуқуқи, оила ҳуқуқини ҳимоя қилиш, маърифий-тарбиявий ишни кучайтиришдан иборат бўлмоғи кераклигига эътибор қаратилди. Йиғин сўнгида хайрия тadbирларини ўтказиш ва молжавий ёрдам мақсадида жамғарманинг баъзи вилоят бўлимлари ва ташкилотларига моддий ёрдам кўрсатишга қарор қилинди.

А. ЕҚУБОВ

Етти кун

«ЯНГИ ДАВР УЛУҒБЕКЛАРИ»

Истеъдодли ёшларни қўллаш «Улуғбек» жамғармаси ташаббуси билан буюк мунажожим Муҳаммад Тарағай Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги олдидан «Янги давр Улуғбеклари» телевизион кўрик-танлови бўлиб ўтди. Мусобақада 12 ёшдан 17 ёшга бўлган 25 нафар Улуғбек исми ўқувчи ва талаба қатнашди. 1-ўринни Кимё-технология институти 1-босқич толиби Улуғбек Умаров, 2-ўринни Алишер Навоий номидаги республика Нафис санъат мактаби 10-синф ўқувчиси Улуғбек Маҳкамов, 3-ўринни Тошкентдаги 309-Шарқ тиллари литсейнинг 10-синф ўқувчиси Улуғбек Абдурауловлар эгаллашди. Дарвоқе, тadbир ҳомиёрларидан бири Республика Болалар жамғармаси бўлди.

«МУНГЛИ ОЙ»

кинофилми шаҳримизнинг «Билимлар уйи»да намойиш этилмоқда. Инсоннинг ички туйғуларини бутунча тасмаларга тушраолган бу севги ҳақидаги филм француз киножодкорлари томонидан ишланган. Бироқ филмининг шоввоз «таржимонлар» энди сал бошқачароқ «Заҳматқаш ой» («Горькая луна») деб таржима қилишибди. Бундан уч-тўрт ой олдинроқ эса кино «Мунгли ой» номида худди шу жойда қўйилганди.

ГҶШТ СОТИБ ОЛМАЁТГАН ОИЛАЛАР

Анчадан бери Шовот туманининг Қиёт қишлоғида яшовчи 25 хонадон бирор бозордан бирор кило гўшт сотиб олгани йўқ. Олмайти ҳам. Чунки ҳар ўн беш кунда навбати билан бир оила томонидан сўйинладиган сўғим гўшти ҳар хонадонга 6 килодан етиб ортмоқда. Ва ортган 3 минг сўмдан сотилмоқда.

ВА ЯНА

Янгибод туманининг чекка қишлоқларидан бирида ҳам юқоридаги усул урф бўлган. Қишлоқда йилга бир сўғим боқиш 6 килодан текин гўшт тарқатишга асосланган 24 хонадоннинг «шартномаси» тўла-тўқис амалга ошиб келмоқда.

СЎМКАЛАРИ ҚУТҚАРДИ

Амударёни муз қоплади. Хоразм билан Қорақалпоғистоннинг Беруний, Эллиққалъаси ўртасида қатнов бироз сустлашди-ю, лекин тўхтагани йўқ. Йўловчилар дарёнинг у юзидан бу юзига муз устидан ўтиб-қайтмоқда. Аксариятнинг қўллари сўмка-сўмка юк билан банд. Бир корейс йигит ҳам Русиянинг Волгограддан тижорат қилиб келаётган, Беруний томонга ўтаётганда дарё музи йўлиб, қўлтиғига совуқ сувга тушиб кетди. Бироқ чўкмади. Уни икки қўлидаги қопдай-қопдай сўмқалари ушлаб қолди. Тўжор муз устига чиқиб олди.

ЎЗЛАРИ ЕТИШТИРДИ

Эллиққалъа тумани ҳокимлиги ва ХДП маъмурий биноси олдидаги сал кам бир гектар жой шу идорада ишловчи 12 ходимга бўлиб берилган эди. Бино атрофи ёз бўйи кўм-кўк бўлиб яшнаб турди. Ходимлар бир тўнна-ярим тўнна қишлоқ сабзи-пиёзларини жамлаб олишди. Моллари ҳам қишдан семирб чиқади энди барра-беда еб. Ёзда помидор, бодрингдан маъза қилишган ходимлар қишда тузламаларнинг таъминини тотишадиган бўлишди.



ҲУНАРИНИ ЎЗГАРТИРГАН ПОЛВОН



Яккабоғлик полвон Улаш Йўлдошев 40 ёшдан ўтганда тўйларда курашмайдиган бўлди. Улаш ака шуҳратли полвон, гавжум давраларда неча марта лаб манаман деган полвонларнинг елкасини ер искатган. Яқиндан бошлаб янгича бир доврўғ тарата бошлади. Улаш ака гишт ишлаб чиқарадиган кичик корхона тузибди.

— **Ўзимни бу борада ҳам синаб кўрмақчи бўлдим,**— деди полвон.— Емон эмас, ишларим юришиб кетди. Полвон полвон-да, кам сўйлаб, кўп ишлайди, яъни белини маҳкам бо-

лайди. Белбоғ йигитнинг кучини белига тўплаб, эр кишига шижоат бағишлар эмаш.

— **Улаш ака, негá бошқа нарса эмас, айнан гишт ишлаб чиқарадиган кичик завод кўрдингиз! Завудчи бой деган доврўқ таратгингиз келдим!**

— Яккабоғ, Китоб, Шаҳрисабз минтақасида энг тақчил нарса—гишт. Воҳанинг бу минтақасида аҳоли кўп, ўсиш суръати ҳам воҳанинг бошқа ўринларига нисбатан анча банд. Бизнинг завод Яккабоғга асосан икки нарса учун; биринчидан, аҳолини қурилиш анжомлари, иккинчидан, иш-сизларни иш билан таъминлаш учун керак.

— **Сизнинг кичик завудингизнинг давлатнинг катта завувларидан афзал жиҳатлари борми!**

— Шубҳасиз бор. Бизнинг завод кичик, ихчам. Бир ускуна бузилса, бутун завод тўхтаб қолмайди. Корхонамиз аксарияти катта корхоналар сингари истикомат жойларидан узоқда эмас. Масалан, туманимиз маркази

бизнинг қишлоқдан 25 чақирим йироқда. У ерда ишлаётган ишчилар ҳар кун шунча йўлга бориб келадилар. Энди ўйлаб кўринг, маошининг катта фоизи йўл ва тушлик учун сарфланади. Бизнинг корхона ишчилари эса ҳам йўл, ҳам тушлик харажатлари, боз устига анчагина вақтдан ҳам иқтисод қиладилар. Бироқ энг катта афзалигимиз— маҳсулотимизнинг сифати ва арзонлигида. Бизнинг битта фиштимиз давлат корхоналари ишлаб чиқараётган олтига гиштининг ўрнини босади. Давлатнинг гишtidан арзон. Боз устига, бизнинг гишtlаримиз давлат гишtlаридан чиройли, пишиқ ва чидамлидир. Энди ўйлаб кўринг, 6 та гиштини теришга қанча цемент қоришма, иш кучи ва вақт сарф бўлади-ю, бу сарфни битта гишtга тақсимлаганингизда қанча бўлади?

— **Кўпгина фермерлар, тadbиркору ишбилармонлар давлат солиқлари баландлигидан нолишади. Сиз солиқлар масаласида нима дея olasiz!**

— Тўғри, солиқлар банд: 26,5—26,6 фоизни ташкил қилади. Лекин маҳсулотлари мунтазам сотилиб турган корхоналар бу солиқлардан кўп қийналмайдилар. Чунки пул муттасил келиб ва шунга яраша харжланади туради. Оқиб турган ариқ сувидан бир челақ, икки челақ олганингиз билан сув ўз камини ўзи тўлдириб бораверади. Солиқдан ишлари юришмаётган тadbиркорлар нолийдилар.

— **Улаш ака, яширмасдан айтгинчи, роса бойиб кетгандирсиз!**

— Қайда. Биз даромадимизнинг асосий қисмини корхонамизни моддий-техник жиҳатдан ривожлантиришга қаратяпмиз. Энг замонавий анжомлар, ускуналар сотиб олдиқдамиз. Ўзим табиатан болаларни яхши кўраман. Худо хоҳласа, даромадимизнинг катта қисмини минтақалардаги болаларнинг соғлиғи ва тарбиясини яхшилаш ишларига ажратиш ниятимиз бор.

ОИЛАМИЗ БУТ БЎЛСИН


ОСТОНАДАГИ УЙЛАР



Бунинг устига ЮНЕСКО 1994 йилни Оила йили деб эълон қилган. «Ватан — остонанан бошланади» деган ақидани кенгроқ таҳлил қиладиган бўлсак, ҳар биримизнинг шахсий хонадонимиздан ташқари Ўзбекистон деган азиз юрт барчамизнинг улкан хонадонимиз эканига имон келтирамиз.

Халқимизда: «Бир кун жанжал бўлган уйдан қирқ кун барака кутарилади», деган гап бор. Барчамизнинг хонадонимизда, улкан хонадонимиз — жонажон Ўзбекистонимизда тинчлик, осойишталик барқарор бўлсин — 1994 йилга боғлаган асосий умидимиз ана шу. Хонадонимиз — юртимизда ана шу вазият ҳукмрон бўлиб турар экан, иншооллох, кўнглимиздаги интилар амалга ошаверади.

1994 йилда амалга оширишимиз, Мустақиллигимизни мустақамлаш йўлида қилишимиз лозим ишларимиз кўп, албатта. Улардан энг муҳими — Президентимиз айтганидек, асл пулимизнинг кириб келиши бўлади. Халқ ҳужалиги, иқтисодий тараққиётда муҳим бурилиш ясайдиган бу воқеа турмушимизни яхшилаш йўлида қилинаётган ишларга ҳам ижобий таъсир кўрсатишига умид қиламиз. Бунинг учун ҳам барчамиз тинчлик ва осойишталик, тотувлик вазиятини асраб-авайламоғимиз лозим. Республикамиз ўтган йили



жуда кўп хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқани мустақамлади. Президентимизнинг чет эл сафарлари юртимизнинг иқтисодий салоҳиятини барпо этиш йўлида қилинаётган мислсиз ишлардир. Келтирилаётган хорижий сармоялар, барпо этилаётган қўшма корхоналар яқин орада самарасини кўрсатиши шубҳасиз.

Шу нарса ҳам шубҳасизки, 1994 йилдан бундай ҳамкорлик кўлами янада кенгайди. Президентимиз жуда кўп давлатларга сафар қилади ва бу сафарларнинг натижаси республикамиз учун ниҳоятда фойдали бўлади. Бу ишларни амалга ошириш учун ҳам энг аввало юртимизда тинчлик бўлиши лозим. «Уйда тинчи бўлсин йигитнинг аввал», дейди шоир. Юртбошимизнинг фаолияти, айниқса халқаро фаолияти янада тинимсиз бўлишини истасак, унга бу имкониятни яратиб бериш, хонадонимизда осойишталикни таъминлаш — барчамизнинг бурчимиздир. ...Янги — 1994 йил остонасида мана шу фикрлар хаёл-

дан кечди. Тинчлик, осойишталик, хотиржамлик — барча омиллarning омили эканини республикамиз мисолида ҳам, бошқа мамлакатлар мисолида ҳам кўрдик. ЮНЕСКО 1994 йилни бутун дунёда Оила йили деб эълон қилгани ҳам бунинг исботлаб турибди. Чунки, инсониятнинг барча эзгу нияти амалга ошиш-ошмаслиги мана шу омилга боғлиқ.

Ана шунда оилапарвар ўзбекининг оиласи янада бут, янада мустақам бўлаверадими...

Ана шунда «тилларида дур кесаларимиз бизни дуо қилиб юриверади»...

Ана шунда бағримиздаги, бағримиздан йироқда бўлган фарзандларимиз соғ-омон камолга етаверадими...

Ана шунда юртимизнинг порлоқ келажи сари яна бир одим отган бўламиз...

Шу ниятларимиз рўёбга чиқсин!

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Машраб БОБОЕВ.

Бугун 1993 йил дарахтининг охириг япроғини узамиз.

Олдимизда Янги — 1994 йил турибди. Кўнглимизда бироз мавҳумлик, бироз ҳаяжон, бироз хавотир бор. Янги йилимиз қандай бўларкин? Бизга нималар ҳада қиларкин? Аммо, унинг — Янги йилимизнинг қандай бўлиши ўзимизга ҳам боғлиқлигини биламиз.

Янги йил остонасида турар эканмиз, бу остонани ҳатлашдан олдин жиндай ортимизга қайрилиб, ўтган йилимизга, босиб ўтган йўлимизга назар ташлаш имкони бор.

Хўш, 1993 йилни қандай кечирдик? У бизга нималар берди-ю, биз уни нималар билан бойитдик?

1993 йил энг аввало Мустақиллигимизнинг иккинчи йили сифатида тарихга кирди. Мустақиллиқнинг икки йили ичидаёқ мамлакатимиз, халқимиз ҳаётида юз берган оламшумул воқеаларнинг катта қисми ўтган йил зиммасига тушгани барчамизга маълум.

1992 йилдаги энг муҳим воқеа Бирлашган Миллатлар Ташкилоти пештоқида республикамиз байроғи ҳилпирай бошлагани бўлса, 1993 йилдаги энг муҳим воқеа — Президентимизнинг ана шу нуфузли ташкилот минбаридан туриб нутқ сўзлаганидир. Бу икки воқеа бир-бири билан бевосита боғлиқ бўлиб, республикамизнинг жаҳон майдонидаги ўрни белгилашида мислсиз аҳамият касб этади.

1993 йил — Мустақиллигимизнинг тантанали байрами, шу байрам муносабати билан буюк соҳибқирон — Амир Темур бобомизнинг юртга қайтиб келиши, изчиллик билан барча қадриятларимизни тиклаш йўлидаги ишлар давом эттирилгани, хусусан, Мухаммад Тарағай Улуғбек, Заҳриддин Мухаммад Бо-

бур сингари фахримиз бўлган бобокалонларимизнинг улкан ҳайкаллари қад кўтаргани, Нодирабегимдек нодир санъаткорларимизнинг туйи ўтгани, Тошкентда «Туркистон»дек муҳташам саройнинг қад кўтаргани... сингари санаб адоғига етиш қийин улкан, қувончли воқеалар йили сифатида ҳам тарихимизни бегайди.

1993 йилдаги унутилмас воқеалардан яна бири — Бош қонунимиз, Республикамиз Конституциясининг бир йиллигидир. Жаҳоннинг энг демократик, энг инсонпарвар ақидаларини ўзида мужассам этган, айна пайтда бошқа бирон давлатникига ўхшамайдиган Конституциямиз байрами республикамиз демократиянинг ҳам, тараққиётнинг ҳам энг тўғри йўлидан бораётганини намойиш қилди.

1993 йилда мустақил Ўзбекистон тарихига яна бир саҳифа битилди, яъни мустақиллиқнинг энг муҳим омилларида бири бўлган миллий пулимиз муомалага чиқарилди. Бу воқеанинг аҳамиятини баён қилиш қийин бўлгани учун, уни қайд этиш билангина чекланиб қўя қоламан. Ниҳоят, қўлимизни куксимизга қўйиб, худога шукрлар билан қайд этишимиз лозим бўлган нарса — юртимизда тинчлик, осойишталикнинг барқарорлигидир. Уқориди тилга олинган ютуқларнинг барчасига мана шу тинчлик-осойишталик барқарорлиги тўғрисида эришдик.

Янги 1994 йил остонасидан ҳатлаш арафасида турган эканмиз, унга бу йилимиздан нималарни олиб ўтишни ҳам ўйлашимиз керак. Менимча, олиб ўтишимиз лозим нарсалардан энг муҳими — мана шу тинчлик, осойишталик бўлиши керак. Чунки, барча ютуқларимиз шу омил билан боғлиқлиги ҳаммага маълум.

ҚАРИЛИК АЛОМАТИ

Бир қари киши табибнинг олдига бориб дарди-ҳол қилди:

— Уғлим, кўзларим оғрийди.

— Бу қариллик аломати, ота, — деди табиб.

— Бошим ҳам оғрийди, ҳаловатим йўқ, — яна шикоят қилди қари киши.

— Бу ҳам қариллик аломати, — деди табиб.

— Анчадан бери биқинимга бир нарса санчилади, буниси нима экан!

— Бу ҳам қариллик аломати, ота.

— Ҳаммаси қариллик аломати бўлса, унда қўлим нега оғрийди!

— Буниси ҳам қариллик аломати.

Бемор чолнинг жаҳли чиқиб кетди.

— Сендай табибга ҳайф, наҳотки ҳаммасига қариллик аломати бўлса!

Табиб:

— Ота, жаҳлингиз чиқди, вужудингиз қалтираб, кўзларингиз қизариб кетди, — буларнинг ҳаммаси қариллик аломати.

— Ердам! — деди кимдир вагоннинг у бурчагидан. — Вагонда бирорта дўхтир борми?

— Мен дўхтирман, — деди бир эркак юзуриб келиб. — Кимга ёрдам керак?

— Менга, — деди қичқирган йўловчи. — Дўхтиржон, айтгинчи, «А» ҳарфи билан бошланадиган, олти ҳарфдан иборат томоқ касаллиги нима?

— Ойи, эртақ айтиб беринг, — деди бола хархаша қилиб.

Ойси болани жеркиб берди:

— Бироз сабр қилсанг, отанг ишдан келиб, иккаламизга эртақ айтиб беради.

СУҲБАТ

Хўраида: — Офицант, Ҳисоб-китоб қанча бўлди? Офицант: — 2:1.

Бемор: — Дўхтир... Дўхтир: — Жим турсангизчи, мен сизни эшитаман.

Уғил: — Дада, мен беш сўм топиб олдим! Ота: — Яхши, жойига қўйиб қўй.

Ассистент: — Дубль беш, душманга қарши ўт оч.

Режиссёр: — Шошманлар! Душман яқинроқ келсин, кейин суратга оласизлар.

Дўхтир: — Ичасизми? Бемор: — Борми?

Уста БАФО ўғли



«ЭЙ, ИНСОНЛАР, ИБОДАТ ҚИЛИНГЛАР...»

(Бақара-21)

Савол: Эрларнинг аёллар устидagi ҳақлари қайсилар!

Жавоб: Аёллар аввало Аллоҳнинг фарзларини бажарганларидан сўнг, улар эрларини ҳурмат қилмоқликлари лозимдир. Бу хусусда Расулulloҳдан шундай ҳадис бор: «Агар Аллоҳдан бошқага сажда қилиш мумкин бўлганда эди, мен аёлларга эрларига сажда қилишларини буюрар эдим».

Аммо шариатда бу мумкин эмас. Аёллар эрлари кўчадан келсалар, келдингизми, деб таъзим қилмоқликлари керак. Яна аёллар эрлари ёмон кўрган кишиларини хонадонга киритмасликлари, эрларидан бесўроқ бирор нарса ни бермасликлари керак. Агар бордию, берсалар савоби эрларига ёзилиб, гуноҳи хотинларига бўлади. Эрларидан берухсат бирор жойга бормасликлари керак. Аммо одатда ота-оналариникига борадиган кунда ёки мусибат етган кунда боришга ҳақлари бор.

Савол: Аёлларнинг эрлари устида қандай ҳақлари бор!

Жавоб: Аллоҳ таолонинг қиёмат куни қиладиган сўровидан бири аёллар хусусида бўлади. Чунки аёллар ўз эрларини ҳаромдан сақлайдилар. Хонадонларини, уст-бошларини покиза тутадилар. Фарзандларини тарбиялайдилар. Эрларига қарайдилар. Уй ҳайвонларини парвариш қиладилар. Хуллас уларнинг яхшиликларига

ҳисоб йўқ. Шунинг учун аёлларни урмаслик, ҳақорат қилмаслик, ноўрин сўзлар

билан дилларини оғритмаслик керак. Ҳар ким ўз ҳолига

қараб уларни зарур либослар билан таъмин этмоғи керак. Аёлларнинг ўз ота-оналарини,

қавму қариндошларини


кўришларига ижозат беришлари, иложи бўлса, шундай фарзандини вояга етказиб

Сизнинг хизматингизга икки қўллаб топшириб қўйганликларининг шукронасига, уларни биргалишиб бориб зиёрат қилмоқлари, қодир бўлсалар, иложи борица уларга ёрдам қилмоқликлари яхшидир. Зеро Расулulloҳдан шундай бир муборак ҳадис бор — «Кимки одамларнинг қилган яхшиликларига шукр қилмаса, у Аллоҳга ҳам шукр қилмайди».

САВОЛ: Кўпинча бизда амма, холаларнинг қизларини олишди, шу яхшимми!

Жавоб: Исрома амма, холаларнинг қизларига уйланишлик ҳалол. Лекин, Расулulloҳ «Беғоналашинглар»,— деганлар. Зероки, ушбу келин-куёвлардан туғилган фарзандлар нимжон бўладилар, ақллари ҳам ўткир бўлмайди. Ҳозирги замон олимлари ҳам мана шу фикрни қувватлайдилар.

«101 саволга 101 жавоб» китобидан



Б. АЛИМОВ сурати

ПАЙГАМБАРНИНГ УЧОҒИ БОРМИ?..

Қуръон ҳали учоқлар пайдо бўлмай туриб ҳаво қатламларидан юқори кўтарилган сари инсон кўраги сиқилиб боришидан хабар беради.

Учувчилар юқорига кўтарилиб боришлик билан кўкракларидан бир сиқилишлик топди. Самога қанча кўтарилган сайн бу оғриқ ортиб боради. Ҳатто бўғилиш даражасида гача етади. Бунга сабаб инсоннинг самога кўтарилиб бориши ҳолатида лозим даражадаги ҳаво (қислород)нинг камайиб боришидир. Бу ҳақиқат авваллари маълум эмасди. Одамларнинг барчаси

албатта, ҳаво мана шу сифат билан то юлдузларга қадар ёйилган деб ишонинишарди. Қуръон бу ҳақиқатни барча инсонларга маълум бўлиши замонидан бир минг тўрт юз йил аввал зикр қилди. Аллоҳ таоло айтади: «Аллоҳ кимни ҳидоят қилишни истаса, унинг кўнглини ис-

лом учун кенг қилиб қўяр. Кимни адаштиришни истаса, унинг кўнглини худди осмонга кўтарилиб кетатгандек тор ва танг қилиб қўяр. Шунингдек, Аллоҳ иймонсиз кимсаларга разолатни (ғолиб) қилур.» (Анъом, 125-оят)

Батаҳқиқ, ўзининг разил амали ва динга қарши уруши билан чиққан кимсаларни Аллоҳ зойил қилди. Аллоҳ уларнинг кўкрагини мавъизага ёки исломга худди самога кўтарилаётган одамни кўкрагидек, тор, танг қилиб қўйди. Бутун башариат бу ҳақиқатдан огоҳ эмасди: ҳамки самога кўтарилса, кўкрагининг қаттиқ сиқилиши ҳақиқатини ҳеч ким то учоқлар пайдо бўлиб, учувчилар самога кўтарилмагунларича билмасди. У билан бу ҳақиқатни шаксиз кашф этган бўлса, бу Аллоҳ Таоло илми билан нозил бўлган ваҳийдир.

«Китобут — тавҳид»дан У. СУЛТОН таржимаси

ЖАНОЗА ОЛДИДАН
ЎҚИЛГАН ШЕЪР

Ҳар бир мусулмон банда вафот этганидан кейин унга жаноза ўқилади. Ҳазрати Хожя Баҳовуддиннинг бу борадаги бир гаплари ниҳоятда мутаассир. У кишининг айтишларича, Абу Саййид Абулхайр деган бир шайхдан: «Сизнинг жанозангиз иллайида қайси оятни ўқусунлар?»— деб сўрабдилар. Шайх шундай жавоб берибди: «Оят ўкумоқ улуг ишдур. Бу байтни ўқусунларки:

**Чуст аз ин хўбтар дар ҳама офоқ қор,
Дўст расад — назди дўст,
ёр — ба наздики ёр».**

Хўш, жаноза олдида ўқилиши васият қилинаётган бу байтда қандай маъно ифодаланган? Шундай дейиладики: «Дўст — дўст ёнига, ёр — ёр яқинига етса, бу барча оламларда бундан яхшироқ иш борми?»

Бу ердаги «дўст» сўзи ҳам, «ёр» сўзи ҳам тасавуфий маъно ташийд. Байтда суфийнинг Оллоҳга етиши орзуси акс этган. Биринчи бор қўлланган «дўст» ва «ёр» — суфийни, яъни ошиқни, иккинчи бор қўлланган «дўст» ва «ёр» Оллоҳни, яъни маъшукни англатади. Албатта, ошиқ учун бу дунёда маъшукқа етишдан олийроқ бахт борми?!

Шайх Абу Саййид Абулхайрнинг бу васиятини эслган Хожя Баҳовуддиннинг ўзлари ҳам жанозалари олдида байт ўқишларини васият қилганлар, бинобарин, Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат...»ида ўқиймиз: «Андан сўнгра алар (Хожя Баҳовуддин.— С. О.) деб-турларки: «Бизнинг жанозамиз иллайида бу байтни ўқусунларки, байт:

**Муфлисонам омада дар куй ту,
Лавҳашаллох, аз чамоли руй ту».**

Суфийнинг бутун дарди — оллоҳ васлига мушарраф бўлиш. Ҳойнаҳой, Баҳовуддин

Нақшбанд жанозалари олдида ўқилишини васият қилганлари байтнинг маъноси ҳам бунга ифодаляйди: «Сенинг кўчанга, сенинг юзинг жамоли дардида юрган фақирларимиз». «Сен» дейилганда, шубҳасиз, Оллоҳ назарда тутилган.

Баҳовуддин Нақшбанд ҳақларида Абдурахмон Жомий ёзиб кетган ва уни Алишер Навоий таржима қилиб келтирган бу маълумот тасавуфнинг шеърят билан нақадар чамбарчас боғлиниб кетганидан далолат беради. Чиндан-да, киши кўнглини тўкиб солиши учун шеърятдан соҳирроқ ва қодирроқ восита бўлмаса керак бу оламда. Суфийнинг кўнглини эса ҳаммаша ёр, яъни Оллоҳ банд этган. Шу икки сабаб Абу Саййид Абулхайру Баҳовуддин Нақшбанддек буюк зотларни жанозалари олдида, икки сатрликкина бўлса ҳам, шеър ўқишни васият қилишга ундаган.

Мана, шу кунларда ҳазрати Баҳовуддин даҳмаларини минг-минг одам зиёрат қилаётибди. Қани, энди ана шу васият қилганлари — жанозалари олдида ўқилган байт арабий ва замонавий алифболарда бир лавҳа чиройли қилиб битилиб, зиёратгоҳнинг кўпнинг кўзи тушадиган ерида осиглик турса...

Ана шунда бу ерга келган ҳар бир киши авлиё кўнглиларидан буюк орзун қалбан бирров такрорлагандек бўларди. Соддагина сўзларда Оллоҳни буюк ва ўзини унинг олдида ҳаддан зиёд муфлис фақир — камбағалу камтар билиш фалсафасининг асл ҳикматига етиш эса инсон учун не чоғли фараҳ. Бундан ҳам ўзимизнинг кўнглимиз ёришади-ю, ҳам, иншооллох, ул зоти шарифнинг руҳлари шодланади...

Султонмурод ОЛИМ

АЁЛЛАР СИЗЛАР УЧУН

Шифобахш сувлар инсон танаси учун фойдали бўлиш билан бир қаторда юз терилари учун ҳам шифобахш экан.

Юз териси қуруқ бўлса, бир қошиқ асални бир қошиқ минерал сувга яхшилаб аралаштириб юзингизга сурасиз. 15—20 дақиқадан сўнг қайнатилган илиқ сув билан ювиб ташлайсиз.

Юз териси ёғли бўлса барги ёки таридан териб олиб (ромашка, зерабой) бир стакан минерал сувда қайнатасиз. Сўнгра совутгич муз хонасига қўйиб, эрталаб озгина илтиб, 15—20 дақиқа маска қиласиз. Юзингиз териси оқариб, тиниқлашади. Маскадан сўнг юз кремни суриб салфетка билан секин артиб оласиз.

Инсон танасининг ҳар бир аъзоси

парваришга муҳтож. Ҳатто кўпгина ҳали ёш аёлларимиз оёқлари оғриши, кўл-оёқларида қодоқ пайдо бўлганлиги, улар терлашидан нолишадилар. Шунинг учун оёқ-қўлларингизни ҳам безътибор қолдирманг. Доимо тоза тутиб, кўл-оёқ кремларидан суриб уқалаб туриш лозим. Оёқларингиз кўп терласа, уни бир соат, ярим соат бир чимдим ош тузи ёки денгиз тузи қўшилган хона ҳароратида бироз илиқ сувга солиб туринг. Оёқ кийимларингиз ичинини сирка шимдирилган пахта билан яхшилаб тоза қилиб артиб туринг. Агар оёқларингиз панжалари орасида ҳар хил тошмалар тошиб сизни безовта қилса, албатта дўхтирга муружаат қилинг. Тузалиши оғир кечса оёқларингизни ётишдан олдин яхшилаб ювиб нитрофунгин, микозолин,

унденцин мазидан суриб ётинг.

Оёқларингизга кун ора иссиқ ванна сув қабул қилиб туринг, бу ҳар тарафдан фойдали бўлиб, асабларингиз тинчлантиради. Иссиқ сув қабул қилаётганда оёқларингизни махсус чўтка билан секин ишқаласангиз бўртиб чиқиб қолган қон томирчалари йўқ бўлишига ёрдам беради.

Аёл киши ўзидан фақат ёқимли хид таралишига ҳарақат қилиш керак.

Тут илдизини туйиб, сувга қўшиб сочни ювса, сочни узайтиради, рангини тиниқлаштиради.

Испағул уруғи, гулхайри ва беҳи шираларини қўшиб сочга суртилса ва яхшилаб таралса соч жингалак шаклга қиради.

ДИЛБАР тайёрлади

Дераза

АЗИЗ НЕСИН АЙБЛАНАДИ

Эге университети ташкил этган йигинлардан бирида «турк миллати сохтакордир» дея «турк миллатини ҳақорат этган» ёзувчи Азиз Несин устидан жиноий иш қўзғалганди. Измир Давлат прокуратураси бу учун Азиз Несинга бир йилдан олти йилга қадар қамоқ жазоси берилишини истади. Азиз Несин: «Мен бу сўзларимни хотирлай олмаяпман. Фақат турк миллатининг кўпчилиги сохтакордир деган бўлишим мумкин. Чунки, бу мавзуда китоб ёзаяпман. Ҳақиқатан, мамлакатимизда дин ва давлат ишларида сохтакорлик бордир. Бир ёзувчи сифатида бундай ҳолатларни сўзлаш вазифамдир. Мени нотўғри тўшунган Адолат Вазирлиги ва Бош прокураторга афсусларимни билдираман деди. Бу сўзлардан кейин суд ҳайъати айбланувчини озод этди.

ДЕНГИЗДА СУЗГАН БОИНГ

Хитой ҳаво йўлларига қарашли 296 йўловчиси бўлган «Боинг-747» самолёти Гонконгга кўнаётган пайт кучли ёмғир ва шамол туфайли ўз йўлидан чиқиб, денгизга қулаб тушди. Фалокатлар тарихида ҳеч учрамаган бу ҳодиса оқибатида бор-йўғи 22 киши енгил жароҳат олди. Самолёт ва йўловчиларни денгизчилар кутқаришди.

РУС ФУТБОЛЧИЛАРИ ТУРКИЯДА

Бир вақтлар собиқ иттифоқ жамоасида тўп сурган А. Михайличенко ва К. Канчелскисларнинг Туркия жамоаларига келиши кутилмоқда. Бу ўйинчиларнинг харидорлари Европа чемпионлари кубоғи ўйинларида «Манчестер Юнайтед»дек «супер» командани мағлуб этган «Галатисарой» ва «Фенербахчи» клубларидир.

Рустам МАРДОН
Туркия.

Оила

32 ЁШДА

Вилоятданман. Тошкент шаҳрида 2 хонали ўз шахсий уйимда тураман. 2 фарзандим бор, касбим — олий маълумотли ўқитувчи, ўзим очик кўнгли, сабр-қаноатлиман. Агар фарзандларимга меҳрибон ота, ўзимга вафодор ёр бўлсангиз мен сизни умрбод юрагимда авайлаб-ардоқлайман.

«Оила-277».

25 ЁШДА

Ангрэн шаҳрида яшайман. Маълумотим ўрта, табиатим юмшоқ, меҳрибон, турмушга чиқиб ажрашганман, 6 ёшли қизим бор, қалби пок, ростгўй, соғлом, уйим-жойим дейдиган ва фарзандимга оталик меҳрини бераолдиган, олижаноб кишига турмушга чиқмоқчиман (қайси бир шаҳарда бўлмасин ишқилиб бахтли яшасак бўлди). «Оила-278».



САВОБЛИ ИШ

Собит МУСАЕВ сурати

Табриклаймиз!

Синглим **МУҲАММАДА-ЛИЕВА НАСИБА!** 4 январь 16 ёшин билан табриклайман. Ҳамиша ўйнаб-кулиб қуваб юр. Ишларингизга баррака, ҳаётингизда осойиштали тилайман. **Ш. УЛУҒБЕК**

Қадрли **АҚИДА ҒУЛОМОВА!**

Сизни жамоамиз номидан янги 1994 йил билан қизгин қутлаймиз. Шу билан бир қаторда 29 декабр тугилган кунингиз билан ҳам муборакбод этамиз. Сизга ва оила аъзоларингизга сўхат-саломатлик, бахт-саодат, ниятларингиз бароридан келишини тилаймиз, деб **ҲАМКАСБ-ЛАРИНГИЗ**.

Тошкент шаҳри, Геология илмий-тектириш институти.

АБДУШАРОФ, ЗОКИР, АББОС ва **МИРЖАЛО!** Сизларни тугилган кунларингиз билан табриклаймиз. Келажакда фақат яхши кунлар ва янги умидлар сизларга ёр бўлсин деб **КАРИМОВЛАР** оиласи.



МАТ, СУНЧАЛИ, ОЙБЕК.

Бойсун — Термиз — Ангор — Тошкент

Ҳурматли онажонимиз **РОБИЯ БУТА** қизи! Сизни муборак 39 ёшингиз билан чин кўнглидан қутлаймиз. Бахтимизга доимо соғ бўлинг. **ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ.** Чироқчи шаҳри.

Хурматли укам **ҚАХРАМОН** ва синглим **ЗУЛФИЯ!** Сизларни 31 декабр ва 1-январ тугилган кунларингиз билан чин юракдан табриклайман. Доимо ҳаётингизда қувноқ кайфият, бахт ва омад сизларга ҳамроҳ бўлсин, деб **МУЗАФФАР ШОКИРОВ.** Тошкент шаҳри.

Ҳурматли падари бузрукворимиз

Собиржон **МИРСОАТОВ!**

Сизни таваллуд кунингиз — 13 январь билан чин кўнглидан табриклаймиз.

Сизга саломатлик, узоқ, умр тилаймиз. Ҳар ишда пирларингиз дуоси қўлласин, омад отингиз қоқилмасин.

Мен кўкка термулиб кутмасман мадад, Дўст излаб ҳар ишда кезмасман сарсон Дўсту мададкор ҳам

отадир абал. Шони шонинг эрур армони-армон...

Сизни яна бир бор дилдан қўлаб қалбингизнинг қувончи, кўзингиз нури, ҳаётингиз давомчилари фарзандларингиз **МАҲЛИЕ, ОЗОД, ШЕРЗОД, ЙРОДА, БУНЕД** ҳамда сизнинг меҳрибон волидан муҳтарамангиз **ТУПАНИСА**, турмуш ёртоғингиз **МАЛИКА**. Пискент шаҳри.

Қадрдон дўстим **ЗАИНИДДИН!** Далвнинг бешинчи кунни таваллуд айёминг билан муборакбод этаман. Янги йилда янги-янги ютуқлар, қувончли кунлар ҳамроҳингиз бўлсин, дўстингиз **СОДИҚ.**

Ҳурматли **ҲАЗРАТ БОБОВНИНГ** **ФАРЗАНДЛАРИ, НЕВАРА-ЧЕВАРАЛАРИ, ОШНА-ОҒАЙНИЛАРИМ!**

Азиз асримизнинг гултож яна бир йилга қадам қўяётган менинг жижарғушаларим. Уйбу янги йилда Сизларга тоғлардан сабр, ойдан бокиралик, кунлардан ёруғлик Худодан узоқ умр тилаб қоламан.

Илоҳ, боболаримизнинг руҳлари қўллаб-қувватлаб юрсин, **УСТА ОЧИЛ ҲАЗРАТ.**

МАСТУРА опа! Утиб бораётган йил якунида Сизнинг ҳам газетимизга синган меҳнатингиз анчанмунча эканлигини эслашни ўзимизга қарз деб биламиз. Келаятган янги йилнингиз ва умрингизнинг янги йили муборак бўлсин. Эртанги ишларингизнинг ҳаёлингиздаги режалари амалга ошишига тилакдошимиз. «ОИЛА ВА ЖАМИЯТ» аҳли

Учмоққа шай
Севги қушининг
Қаноти қайрилар
тезгина.
Мен Сизни севаман,
тушунинг
Мен Сизни севаман,
кизгина...

МАҲЗУНА! Бу ёруғ оламда Сизнинг борлигингиз менга кифоя. Сиздан ҳеч нарса сўрамайман... ҳеч нарса... Елгиз ўтинчим: «Инсонни тушунинг керак!»

Сизни Янги йил билан қутлаб, Сизга Кўнгли тўрининг энг латиф туйғуларини тилаб:

ФАРҲОД, талаба. Тошкент.

Утган ҳафта ўзбекистонлик бир қанча биродарларимиз Ҳиндистонга ўқиб-тажриба ошириш учун жунаб кетишди.

Чет элга сафар қилиш оддий ҳолга айланиб бораптир.

Ваҳоланки, бундан беш-ўн йил аввал ҳорижга бориб келган одамга худди ғаройиб одамни кўраётгандек қарардик. Истибдод тузумининг хусусиятидан бири халқни Дунё ҳаётидан, замин халқлари яшаш тарзи, жамиятлари, маданиятидан беҳабар қолдириш экан. Инсон фикрлаши учун бир нарсани иккинчи бир нарсага чоғиштиришга муҳтожлик сезади. Халқ ўз жамияти, турмуши, аҳоли руҳияси ҳақида фикр юритиши учун бошқа бир халққа ўзини қиёслаб олиши лозим бўлади. А. Ориповнинг «Тилла балиқча» шеъри ўзбекларнинг Совет

қимий. Рус истибдодининг биринчи эмигранти Фурқат дўсти Завқийга:

Саргашта ҳолатимдан воқифлғм истар эрсанг, Ибрат кўзини очиб гардуну бок,

деб ёзганди. «Гардун»дан мурод рус истибдодидоғи Туркистон жамияти эди. Мустамлака тузум зиёлиларни бадарга этади. Халқни эса «лойқа ҳовузга томон» отади.

Халқ маънавиятидаги уйғониш, руҳий кўтарилиш сабабчилари асосан зиёлилар бўлган. Узоққа бормаёлик. Асримиз бошидаги миллий уйғониш ҳаракатчилиги осмондан тушмади. Зиёлиларнинг ҳаракати сабаб бўлиб халқ ўз турмуши, жамияти ҳақида ўйлай бошлади. Ислоҳчилик қарашлари бизга Татаристон, Туркия, Миср каби

дидади энг ҳурматлироғингиз тақводорроғингиздир. Албатта Аллоҳ билгучи ва огоҳдир». (Хужурот-13) Халқларнинг бир-бирлари билан иноқдўст яшашлари ва бир-бирларини яхшиликка қорлашлари Аллоҳ томонидан низоом этилган марҳаматдир. Аллоҳ низоомини маънавиятга ҳеч қимнинг ҳаққи йўқ. Халқлар бир-бирлари билан танишсалар, яъни бир-бирининг аҳоли, маънавияти, маданиятини ўрганса, бир-бирларини эзгуликка даъват қилсалар, тор миллий-маҳаллийчилик фикр-ғижлардан қутулсалар, ҳар бир халқ Одам Ато ва Момо Ҳавонинг фарзандлари эканлигини англаса, Аллоҳ наздидаги ҳурмат миллиятчилик қадр-қиймати, ғурури билан эмас, балки олий руҳоний мавқеъ-тақводорликда эканлигини билсалар, хулласи, илоҳий адолат-

ҳарбий юриши самараси эзгу бўлиб чиқди. Демак нияти холисаниллоҳ бўлган. Бобур қалби ғафлатни хушламаган қалбдир. У доимо ўз қалбини тергаб турган инсондир. Шунинг учун ҳам у ўзининг «Ҳинд сори юзлангани»дан гоҳ қадрланса, гоҳ фахрланар эди. Ҳиндистоннинг энг миллиятчи фарзандлари ҳам ундан нафратланишмади, балки унга ўз муҳибликларини билдиришди. Унинг салтанати туфайли Туркистон ва Ҳиндистон халқлари орасидаги қариндошлилик иплари янгидан мустаҳкамланди.

Аждодларимиз ўз насл-насабларини жуда яхши билишган. Нуҳ алайҳиссалом туфонидан кейин, ундан қолган уч ўғил Ефас, Хом ва Сомлар Турон, Ҳинд ва араб ерларига боришганлари ва улардан ҳозирги шу масканлардаги халқлар тарқалганлари — ҳинду турк ака-ука фарзандлари эканлиги азалий қариндошлилик туйғуларимизни доим кўзгаб турилади. Пайгамбаримиз саллоллоху алайҳи васаллам видолашув нутқида айтган эканлар: «Эй, одамлар, сизларнинг раббингиз бир, отангиз бир, ҳамангиз бир отадан (Одамдан) тарқангиз. Одам Ато тупроқдан яратилган. Кимки энг муттақий бўлса (Аллоҳнинг буйруқларига амал қилиб, қайтарган ишларидан ўзини тийган одам бўлса), у Аллоҳнинг назарида энг ҳурматли одамдир. Арабнинг акамдан, оқининг қорадан афзаллиги йўқ. Илло афзаллик фақат тақво биландир...»

Бугунги кунда Ўзбекистондан Ҳиндистон сари бир қанча газетачи биродарларимиз отланишган экан, кўнглирида не мақсадлар бор, билмадим. Аммо...

Хулоса ўрнида Расулulloҳдан бир ҳикмат. Яхё ибн Саййид ривоят қилдилар: Умар ибн ал-Ҳаттоб минбарда турганларида: «Расулulloҳ саллоллоху алайҳи васалламнинг бундай деганларини эшитганман»,— дедилар: «Дарҳақиқат, барча амаллар ниятга яраша бўлғусидир. Кимки ҳижратдан ниятли дунё топмоқ эрса, дунёга эришгуси, кимки ҳижратдан нияти хотин олмақ эрса, хотинга никоҳлангусидир. Демак, не ниятда Ҳижрат қилганлиги эътиборга олинғусидир».

Азиз ИҚБОЛ

«ҲИНД СОРИ ЮЗЛАНДИМ...»

истибдоди давридаги аҳоли рамзидир. Дунёдаги энг бахтли одам телба одамдир. Чунки телбада ўз аҳоли билан бошқаларнинг аҳолини қиёслаб баҳолаш туйғуси бўлмайди. Кишлоқларда биқиниб яшаётган халқни дунёга олиб чиқиб, дунё узра қарашга ўргатиш керак. Қоронғуда ўсган чечакдек ночор, беҳол Онг, Тафаккурни дунё узра ловиллаб турган ҳаёт қуёшининг нур-оловда тоблаш, «пишириш» керак. Токи халқ, ҳар бир ўзбек Ҳаётни севсин, Дунёни ҳис қилсин. «Юрган дарё, ўтирган бўйра», «Мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмайсан» каби нақллар халқ орасида бежиз ёйилмаган. Халқ назари кишлоқдан дунё узра қаратилмагунча, у ўзининг Инсонлигини ҳис қилмайди, инсонлик-бандалик моҳияти ҳақида ўйлай олмайди. Халқимиз табиятига гўшанишнинг сингиб кетган. Зиёлиларимиз ҳам душман оёғи остида хўрланиб ётса ётсин, аммо Ватанини зарур вақтда тарк этишни ҳеч ҳазм қилишолмайди. «**Ватанини тарк этолмасдан доғман**», деган мазмунда ёзганди бир ғазалини Му-

давлатлардан кириб келди. Зиёлилар Беҳбудий, Сиддиқий — Ажзий, Суфизода. Ҳамза, Фитрат кабилар зикр этилмиш давлатларга сафарга отланишди. У ерларда маҳаллий халқ зиёлилари билан учрашдилар, халқ турмуши, аҳоли, ижтимоий гоъ-қарашлари билан танишишди. Туркистондаги аҳвол билан қиёслашди. Юртларига бой фикрлар билан қайтишди. Халқ орасида илгор гоъларни ёё бошлашди. «Биз ҳам инсонмиз, инсондек яшайлик», деб ёзганди Чўлпон 1914 йилга тегишли бир мақоласида. Илгор, ижтимоий гоъ-фикрлар мана шундай пайдо бўлади.

Дунёдаги халқлар ўз маданияти, урф-одатини яратиб, аҳилликда яшашлари бир илоҳий қонуниятдир. Аллоҳ таоло Куръони каримда марҳамат қилади: «Эй инсонлар, дарҳақиқат Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Ҳавво)дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишинглар (дўст-биродар бўлишинглар) учун сизларни (турли-туман) халқлар ва қабила-элатлар қилиб қўйдик. Албатта сизларнинг Аллоҳ наз-

ни барқарор топтирсалар, ана ўшандагина чин эркинликда, осойиш-фаровонликда яшайдилар. Пайгамбаримиз саллоллоху алайҳи васаллам «Чинга бориб бўлса ҳам илм талаб қилинглар», деган эканлар. Чин-Хитойда мусулмонлар эмас, ғайридинлар яшаганлиги ҳаммага маълум. Ғайридинлардан илм ўрганиш-дунёвий ҳаётдаги инсонлар ўртасида ижтимоий муносабатлар барқарорлигига эришиш демакдир.

Абу Райҳон Беруний Ҳиндистон сари отланганда, Пайгамбаримиз ҳадиси шарифларига амал қилиб, Аллоҳ марҳаматини икки халққа англаш бўлгани-йўқми, билмадим. Лекин ҳаммамиз биламизки, Берунийдан Ҳиндистон ҳақидаги энг муҳамал ва қадимий асар авлодларга ёдгор бўлиб қолди. Нафақат мусулмонлар, балки ғайридинлар ҳам бу асардан баҳраманд бўлмоқдалар. Дунё илимини ўрганмоқдалар.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистон сари юзланганда, қандай мақсади кўнглида ғавго қилган, билмадим. Аммо барчага аёнки, унинг бу

ЯНГИ ЙИЛ ҚАНДАЙ КУТИБ ОЛИНАДИ?



Ҳ. САИДОВ сурати

Янги йил байрами турли мамлакат, халқ ва миллатларда турли пайтларда турлича кутиб олинади. Жумладан: БАЛИ оролида бир йил — 216 кун ҳисобланганлиги туфайли янги йил ҳар йили турли пайтларда кутиб олинади. Байрам 10 кун давом этади. БИРМАда янги йил апрелда нишонланади. Кунлар исиб кетганлиги учун бу жойда янги йил қуни ким келиши ва кўчадан ким ўтишидан қатъий назар унга сув сеппиб «Сайлашади.» ЛИВАНда янги йил қуни арча ўрнига кедр дарахти ясатилади ва болаларга эски йил давомида ваъда қилинган совғалар берилади. КИПР. Соат ҳок 12 да чироклар ярим дақиқа ўчирилади. Барча ўрнидан туриб қоронғида шод-хуррам ҳолда эски йилни кузатади. Дастурхонга алоҳида тайёрланган курка гўшти ва торт тортилади. Болаларга совғалар улашिलाди. КЕНИЯ. Кунлар исиб кетганлиги учун бўлса керак, бу ерда янги йилни одамларнинг кўпчилиги Викториа кўлида қайиқларда сузиш ва чўмилиш билан кутиб оладилар. Арча ўрнига қайин дарахти ясатилади. ИТАЛИЯ. Янги йил кечаси Италияда эҳтиёт бўлиб юриш маъқулроқдир. Нимагаки, италияликлар уйларидаги

яроқсиз стуллар ёки яроқсиз буюмларни худди шу пайтда деразадан кўчага улоқтирадилар. ШИМОЛИЙ АМЕРИКА. Бу ерда ҳиндилар ёнаётган улкан гулхан атрофида, қўллариде турли рангларга бўялган шарларни кўтарган ҳолда кутиб оладилар. ҲИНДИСТОН. Мамлакатнинг шимолий қисмида янги йил тантаналари 13 апрелга — Байсахи байрамига тўғри келади. Бу кун баҳорнинг ёз билан алмашиниш қуни бўлиб, ҳосилни йиғиб-териб олишга бағишланган уйин-томошалар кўрсатилади. Жанубий Ҳиндистонда эса янги йил июл-август ойларида нишонланади. Ғарбий Ҳиндистонда янги йил байрамини нишонлаш октябр-ноябр ойларига тўғри келади. Янги йилнинг биринчи қуни қандай ўтса ўзи ҳам шундай бўлади деган тушунча асосида ҳамма ерда ҳурсандчилик ҳукмронлик қилади. СУДАНликлар янги йилни мамлакатларининг мустақилликка эришган қуни нишонлайдилар. Байрам қуни ҳамма бир-бирига кўк ёнғоқ топиб олиш — (бу бахт рамзи) тилагини билдирадилар. ЭРОН. Янги йил — Наврўз шаҳар ва кишлоқларда тўп

ва қуроллардан ўқ узиш билан кутиб олинади. Уша пайт янги йил дастурхони атрофидаги кишиларнинг қўллариде кумуш танга бўлиши расм тусига кирган. Янги йил кутилаётган уй эгаси меҳмонларни етти хил таом билан зиёфат қилади. Яна ҳар бир таомнинг номи «С» билан бошланади. Бу билан хонадон соҳиби меҳмонларга янги йилда бахт-саодат тилаган бўлади. ЯПОНИЯ. Янги йил байрамига тайёрларик бир неча кун олдинроқ бошланиб кетади. Барча ҳовли, уй эшиклариде олдида бамбук ва ёш қайин дарахтининг шох-шаббалари осиб қўйилади. Янги йил қуни турн ярмида улкан қўнғирқоқлар 108 марта занг уриб янги йилнинг кириб келаётганлигидан хабар беради. Оилавий янги йил байрами, меҳмон-меҳмонлик уч кунгача давом этади. Еттинчи қуни оила бошлиғи дастурхонга етти хил ўсимликдан тайёрланган таом тортади... Худди шу синглар дунёнинг қолган мамлакатларида ҳам янги йил байрами ва бошқа байрамларни ўзига ҳок йўсинда кутиб олиш одат тусига кирган.

АЛИШЕР тайёрлади

Янги йилнинг кутлура бўлсин!

1994 ЙИЛ



ЖАДИ ДЕКАБР

Д	5	12	19	26	
С	6	13	20	27	
Ч	7	14	21	28	
П	1	8	15	22	29
Ж	2	9	16	23	30
Ш	3	10	17	24	31
Я	4	11	18	25	

ДАЛВ ЯНВАР

Д	3	10	17	24	31
С	4	11	18	25	
Ч	5	12	19	26	
П	6	13	20	27	
Ж	7	14	21	28	
Ш	1	8	15	22	29
Я	2	9	16	23	30

ҚАВС НОЯБР

Д	7	14	21	28	
С	1	8	15	22	29
Ч	2	9	16	23	30
П	3	10	17	24	
Ж	4	11	18	25	
Ш	5	12	19	26	
Я	6	13	20	27	

ХУТ ФЕВРАЛ

Д	7	14	21	28
С	1	8	15	22
Ч	2	9	16	23
П	3	10	17	24
Ж	4	11	18	25
Ш	5	12	19	26
Я	6	13	20	27

АҚРАБ ОКТАБР

Д	3	10	17	24	31
С	4	11	18	25	
Ч	5	12	19	26	
П	6	13	20	27	
Ж	7	14	21	28	
Ш	1	8	15	22	29
Я	2	9	16	23	30

ҲАМАЛ МАРТ

Д	7	14	21	28	
С	1	8	15	22	29
Ч	2	9	16	23	30
П	3	10	17	24	31
Ж	4	11	17	24	
Ш	5	12	19	26	
Я	6	13	20	27	

МЕЗОН СЕНТЯБР

Д	5	12	19	26	
С	6	13	20	27	
Ч	7	14	21	28	
П	1	8	15	22	29
Ж	2	9	16	23	30
Ш	3	10	17	24	
Я	4	11	18	25	

САВР АПРЕЛ

Д	4	11	18	25	
С	5	12	19	26	
Ч	6	13	20	27	
П	7	14	21	28	
Ж	1	8	15	22	29
Ш	2	9	16	23	30
Я	3	10	17	24	

СУМБУЛА АВГУСТ

Д	1	8	15	22	29
С	2	9	16	23	30
Ч	3	10	17	24	31
П	4	11	18	25	
Ж	5	12	19	26	
Ш	6	13	20	27	
Я	7	14	21	28	

АСАД ИЮЛ

Д	4	11	18	25	
С	5	12	19	26	
Ч	6	13	20	27	
П	7	14	21	28	
Ж	1	8	15	22	29
Ш	2	9	16	23	30
Я	3	10	17	24	31

САРАТОН ИЮН

Д	6	13	20	27	
С	7	14	21	28	
Ч	1	8	15	22	29
П	2	9	16	23	30
Ж	3	10	17	24	
Ш	4	11	18	25	
Я	5	12	19	26	

ЖАВЗО МАЙ

Д	2	9	16	23	30
С	3	10	17	24	31
Ч	4	11	18	25	
П	5	12	19	26	
Ж	6	13	20	27	
Ш	7	14	21	28	
Я	1	8	15	22	29



ЖАДИ
ДЕКАБР

Д	5	12	19	26	
С	6	13	20	27	
Ч	7	14	21	28	
П	1	8	15	22	29
Ж	2	9	16	23	30
Ш	3	10	17	24	31
Я	4	11	18	25	

1994 ЙИЛ

ДАЛВ
ЯНВАР

Д	3	10	17	24	31
С	4	11	18	25	
Ч	5	12	19	26	
П	6	13	20	27	
Ж	7	14	21	28	
Ш	1	8	15	22	29
Я	2	9	16	23	30



ҚАВС
НОЯБР

Д	7	14	21	28	
С	1	8	15	22	29
Ч	2	9	16	23	30
П	3	10	17	24	
Ж	4	11	18	25	
Ш	5	12	19	26	
Я	6	13	20	27	



ХУТ
ФЕВРАЛ

Д	7	14	21	28
С	1	8	15	22
Ч	2	9	16	23
П	3	10	17	24
Ж	4	11	18	25
Ш	5	12	19	26
Я	6	13	20	27



АҚРАБ
ОКТАБР

Д	3	10	17	24	31
С	4	11	18	25	
Ч	5	12	19	26	
П	6	13	20	27	
Ж	7	14	21	28	
Ш	1	8	15	22	29
Я	2	9	16	23	30



ҲАМАЛ
МАРТ

Д	7	14	21	28	
С	1	8	15	22	29
Ч	2	9	16	23	30
П	3	10	17	24	31
Ж	4	11	17	24	
Ш	5	12	19	26	
Я	6	13	20	27	



МЕЗОН
СЕНТЯБР

Д	5	12	19	26	
С	6	13	20	27	
Ч	7	14	21	28	
П	1	8	15	22	29
Ж	2	9	16	23	30
Ш	3	10	17	24	
Я	4	11	18	25	



САВР
АПРЕЛ

Д	4	11	18	25	
С	5	12	19	26	
Ч	6	13	20	27	
П	7	14	21	28	
Ж	1	8	15	22	29
Ш	2	9	16	23	30
Я	3	10	17	24	





Хадича ўзингисан. Бунга қара ҳалиям ўша-ўша гўзалсан-а?..

— Кел, Хадича ўзингдан қолар гап йўқ. Сен ҳам ёлғиз, мен ҳам ёлғиз. Бу сўзларни эшитар экансиз, телеэкран қаршисига яқинроқ ўтирасиз. Қайта-қайта кўрсангизда, кўргейсиз келавради. Кулмай десангиз ҳам, куласиз. Уларни кўрганда ҳатто энг тунд одамнинг ҳам юзига табассум юуради.

Эргаш Қаримов Тошкент шаҳридаги «Қаттабоғ» маҳалласида туғилиб ўсган. Ўрта мактабнинг 4—5-синфларида ўқиб юрган кезларидаёқ, ўртоғи Абдуваҳоб билан кичик-кичик ҳажвий сахналар кўрсатиб, «артист» «қизиқчи» деган ном олишганди. Раҳматул оталари Қарим ака ниҳоятда қувноқ, гурунгнинг уяси, дилкаш одам бўлган. Ҳамиша «Эргаш ўғлим доктор бўлади»— деб орзу қиларди. Эргаш акани эса гижжак чалиш, тасвирий санъат жони-дили эди. Мана шу қизиқчи уни 1954 йили Тошкент театр ва рассомлик санъати институтига ўқишга етаклаб келди. Актёрлик факультетига кирди.

— Тақдирни қарангки, ҳудди шу йиллар ўзи билан бирга йўқиган бир қизни севиб, аҳду-паймонлашиб турмуш қуришди. Икки ёш 1958 йилда институтни тугаллаб, бир-неча йил Сирхондарёда ишлашган, Тошкент телестудиясига ишга келишди.

Қўнларнинг бирида мажлисда танқид қилинган Эргаш аканинг ёдидан ҳеч кўтарилмади. Қимдир ролларни эр-хотин фақат «ўзиники» қилиб олгани ҳақида сўзлади. Шунда Эргаш ака бу эътирозни салимий қабул қилиб, ўз фикрини секин айтди: «Бунинг ҳеч ажабланидиган жойи йўқ. Санъаткор ким билан ижро этса-да, томошани маромига етказиб ўйнагани яхши эмасми? Қолаверса, ойнаи жаҳон оилавий хонадонлар кўзгуси. Агар бузун биз битта билан, эртага яна бошқа билан сахнага чиқаверсак одамлар нима дейди». Шу-шу ҳамкасблар бу тўғрида гап қўзғашмай қўйишди.

— Нега энди, айнан миниатюрани танлагансизлар?

— Санъат ўзи бир сирли олам. Унинг ҳар бир турида ўзига яраша сехри бор. Миниатюра — бунда ҳаётимизга, жамиятимизга ёт бўлган

иллатлар аччиқ қулгу остига олиниб, маълум бир мақсад сари йўналтирилади. Ҳажвий кўрсатушни томошани нафақат кўради балки, бундан ниманидир билиб ҳам олади, айбдор қилмишидан азият чекади. Бошда телестудияда режиссёр ёрдамчиси бўлиб иш бошлаганимда Розахон бутунлай бошқа бўлим «Адабий-драматик кўрсатувлар» редакциясида ишлардилар. Талабалик йилларимизда-ноқ биргалликда ҳажвий интермедиялар ижро этиб юрганимиз учун «Истиқбол эгалари» кўрсатуви охирида 5-10 дақиқалик ҳажвийлар бошладик. Сўнгера шуни кенгайтириб алоҳида бир кўрсатув «Телевизион миниатюралар театри» кўрсатуви ташкил этдик. Розахон ҳам биз билан ишлашга қизиқиб қолдилар шеклилли, ўша-ўша биргемиз.

— Ролларни ким танлайди?

— Бунга ижодий гуруҳимиз билан ҳал қиламиз.

— Бўлимда неча киши ишлайсизлар?

— 3 киши. Ролларга театрлардан актёрларни таклиф этамиз.

— Қачон ва қаерда машқ қиласизлар?

— Ишхонада, баъзан уйда. Кўп кўрсатувимиз оилавий мавзуда бўлгани учун, кўпинча уйда репетиция қиламиз. Шу ўринда бир воқеа ёдимга тушиди. Кўп қаватли уйларида турмаймизми, бир кунги ишга кетаётсам, яқинда кўчиб келган кексароқ кўчиларимиздан бири салом аликдан сўнг секин мени четга тортиб: «Эргашжон тушунган, ўқимишли одамсизлар. Сизларга энди уруш-жанжал ярашмас», деб қолди. Аввалига ҳайрон бўлдим. Чунки шунча йил бирга яшаб эр-хотин сиз оғзимиз сенга борган йўқ эди-да, кейин бирдан ўтган ҳафтада уйда ўтказган репети-

циямиз эсимга тушиб, жилмайиб, қайта такрорламасликка ваъда бериб хайрлашдим. Ушанда «Жанжал» номи оилавий миниатюрани машқ қилгандик. Миниатюра «Тошойна» сингари бироз жанжаллироқ эди. Ана шунақаси ҳам бўлиб туради...

— Эргаш ака, «Тошойна» деганингизда ҳақиқий футбол ишқибози — «Биринчи муҳаббатимиздаги содиқ ошиқ ролингиз ёдимга тушди»

— Биринчидан, ўзим ҳам ашаддий футбол ишқибозиман. Бунинг устига «Пахтакор»нинг енгиллиши кўп эди ўша пайтлар. Ойимиздан қолган тоштовоқлар ҳам синиб адо бўлди.

— Севишиб турмуш қургансиз. Ҳаётингиздан мамнунсизми?

— Биз севишганда ҳам қаттиқ севишганмиз. Ҳали-ҳали ўшандай ошиқ-машуқлармиз.

— Роза опа, деяри бирча кишилар сизни бахтли аёл дейишади?..

— Худого шукр. Мана кўриб турганингиздек уйим-жойим, болаларим, севикли набираларим, бебаҳо турмуш ўртоғим бор. Санъатимизга келсак, томошабинларга озгина бўлса ҳам қувонч, яхши кайфият ато этибмизми,

уйғур, отам ўзбек. Хуллас икки юрликман.

— Қашқадарёда қариндош-уруғлар кўпдир?

— Ҳа, бор. Тез-тез бориб тураимиз.

— Ўзбек йигитига турмушга чиққанингиздан афсусланмайсизми?

— Аввало инсон қайда бўлмасин бахти, кўнелидаи инсонни топса бу битмас-туғанмас бахт-саодат.

— Эргаш ака, Сизга бир савол. Ҳозирги замон аёлларига муносабатингиз?

— Нима десам экан. Аёллар бизнинг ҳаётимиз, борлигимиз. Аёлларимизга обрў-лавозимлардан кўра кўпроқ маърифатлилик, қаноатлилик ярашади. Шундай аёлларни кўп ҳурмат қиламан.

— Суҳбатимиз кайфиятини бироз ўзгартирсак дегандим. Ҳозирги кунда ҳамма соҳада бўлгани каби сизларда ҳам муаммолар кўп бўлса керак. Шундай бир шароитда «кулдириш» ҳам кийин.

КУЛМАСАНГИЗ ҲАМ, КУЛАСИЗ...

демак бекор ижод этмабмиз. Шунданми, бахтиёр онларимиз кўп.

— Фарзандларингиз ҳам санъаткорми?

— Икки фарзандимиз бор. Ўғлимиз Эркинжон техника фанлари номзоди, қизимиз Озодахон шифокор. Санъаткор бўлмаси-да санъатни жуда севишади. Ўғлимиз Эркинжон талабалик йиллари бир-икки бор машқ ҳам қилиб юрди. Кейин-кейин ишлари кўпайиб кетди. Кичик набираларимни феъл-атвори додосининг ўзи. Ҳойнаҳой шулар артист бўлиб чиқади-ёв, деб кулишиб ўтирамиз...

— Келингнизи ўзларингиз танлагансизлар?

— Ўзлари танишишган.

— Сизлардан бўлак туришадими?

— Ҳа, ўзбекчилик. Тор-танқис домда тиқилиш қолдик.

— Роза опа сизни отиний ҳам деб эшитгандим?

— Алхамдулилоҳ ҳаммамиз имон-этиқодимиз етувунча мусулмонмиз. Раҳматли бувиимлар (онамнинг оналари) ниҳоятда фаршталли отиний бўлганлар. Биласизми, анча йил соғлим ёмонлашиб оғир бетоб бўлиб ётдим. Касалхонама-касалхона шифтга термулиб ётган кўнларимни эсласам бу дунёда соғлик-саломатлик, кўнгили хотиржамликдан ортиқроқ бойлик бахт йўқлигига ҳар кун имон келтираман. Уйдаман, ишламайман. Бўш пайтларимда билмаганларимни билишга ҳаракат қилиб, диний китобларни қироат этаман. Худого минг қатла шукрки, мана шу илму амални бўйнимега олганимдан буён анча тузукман.

— Асли қаерликсиз?

— Онам олмаоталик, отам қашқадарлик. Шароит, турмуш тақозаси билан мен 10 яшарлигимда Шаҳрисабздан Олмаотага кўчиб кетганмиз. Онам

— Очигини айтганда, ёзадиган ёзувларимиз кўп, фақат улар кундан-кунга лоқайдлашиб бормоқда. Шароитни қулгуга таъсири йўқ.

— Кейинги пайтда негадир кам телевизорга чиқадиган бўлиб қолдиларингиз?

— Ҳақ гап. Олдин кўрсатувимиз ҳафтада бўларди. Ҳозир унинг ўрнига янги бир кўрсатув ойда икки марта «Экран хандалари» қўйилади.

— Сизлар ҳам тўғларга бориб турасизларми?

— Яқин ошна-оғайни кўнгили етарларникига борамиз албатта.

— Пулгामी?

— Тўйда хизмат пулга баҳоланмайди. Худо сизни ҳам тўйга етказсин.

— Машхур санъаткорлар ҳашаматли уйларида яшашади, деб ўйлардим. Сизлар... эса?..

— Мен умр бўйи негадир шон-шўрат, ҳашаматларга қизиқмасамда, Худого шукр ёмон яшамадим. Бойман-бадавлатман, соғ-саломат, бардамман.

— Нималарга қизиқасиз?

— Футболга.

— Қарилик гашти арафасида орзуларингиз?

— Илоё, шу кўнларга етказсин. Санъатдан воз кечолмасам керак. Яна Худо насиб.

Дилбар суҳбатлашди

Бош муҳаррир:

Абдуҳошим ИРИСБОИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Қўнлар ОЧИЛ, Жуманазар БЕКНАЗАР, Дадаҳон ЕҚУБОВ, Фарҳод РҲУЗИЕВ, Муҳаббат ИБОДОВА, Ҳалим САЙИИД (бош муҳаррир ўринбосари), Ботир ЭРНАЗАР [масъул котиб]

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Бахтиёр ЭГАМБЕРДИЕВ, Рўзимат САФОВЕВ, Абсалом УСАНОВ, Асқар АЛЛАБЕРДИЕВ, Абдумуталлиб РИЗОКУЛОВ, Меъли ЙУЛДОШЕВ.

Газетамиз ҳомийлари — Тошкентдаги СЭВИЖ тижорат жамияти, Муборак туманидаги «Хитой» давлат хўжалиги, Шаҳрисабз пиллакашлик фабрикаси, Сирдарё «Оқ олтин» дон маҳсулотлари корхонаси,

Тахририят келган хатларга ёзма жаоб қайтармайди. Шунингдек, фуқаролар билан ташиқлотлар ўртасида воситачилик ҳам қилмайди. Газетамиздан олинган маълумотлар «Оила ва жамият»дан деб кўрсатилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ:

700029, Мустақиллик майдони, 1-бино. Телефон: 39-43-95.

Нормурод МУСОМОВ навбатчилик қилди.

Обуна индекси 64654. Рўйхатга олиш № 33. Буюртма № Г-713. 23189 нусхада чоп этилди. Оффсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.